

Соҳада коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлаш йўналишида аноним сўровнома ўтказилди

Жорий йилнинг сентябрь ойида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ва унинг тизимости корхоналарида коррупция ҳолати, тенденциялари ва сабаблари, коррупцияга қарши кўрилган чоралар самарадорлиги тўғрисида жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича аноним сўров ўтказилди.

Шу мақсадда 12 банддан иборат саволлар тузилиб, жамоатчиликнинг Тоғ-кон саноати ва геология корхоналари фаолиятига муносабати, соҳада коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан саволлардан иборат “Жамоатчиликнинг кончилик ва геология корхоналари фаолиятига муносабати, соҳада коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан сўровнома” вазирликнинг телеграм каналига (<https://t.me/uzdavgeolcom/20375>) жойлаштирилди.

Ўтказилган аноним сўровномада 155 нафар обуюначилар қатнашди. Натижаларга кўра, сўровнома иштирокчиларининг 69,0% кончилик ва геология соҳаси ходимлари, 16,8% бошқа давлат ташкилоти ходимлари, 14,2% эса турли соҳа вакиллари тўғри келади. Иштирокчиларнинг 52,3% 36-60 ёшгача, 45,8% эса 18-35 ёшни ташкил этган.

Натижаларга кўра, сўровномада қатнашган иштирокчиларнинг 54,2% коррупцияга қарши курашиш ва шаффофликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ижобий баҳолаган ва 41,9% амалга оширилаётган ишлар натижа бераётганлигини қайд этган.

Шу билан бирга, кончилик ва геология соҳаси корхоналари томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар билан ҳамкорлик бўйича 63,2% иштирокчилар яхши баҳо бериб, 43,3% респондентлар ер қаъридан фойдаланиш соҳасида давлат назорати етарли даражада эмаслигини белгилашган.

Бундан ташқари, 31,6% иштирокчилар ходимлар билан ишлаш бўлимларида, 30,3% харидлар бўлимида, 14,8% ер қаъридан фойдаланувчиларни назорат қилиш тузилмаларида, 23% бошқа тузилмаларда коррупциоген омиллар борлиги ва мазкур соҳаларда ислохотлар олиб бориш лозимлигини қайд этишган.

“Сизнингча, қандай чора-тадбирлар кончилик ва геология соҳаси корхоналарида коррупцион ҳолатлар камайишига олиб келади?” деган саволга иштирокчилар томонидан *“Соҳани рақамлаштириш, инсон омилини камайитириш, ходимлар маошини ошириш, таъминотни яхшилаш, молия ва бухгалтерия соҳасида ишлаган ходимларни ротация қилиш, ОАВда очиқ ҳисобот бериб бориш, шаффофликни таъминлаш”* каби таклифлар тушган.

Аноним сўровнома натижаси бўйича 2026 йил давомида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.